

Рамазоннинг 41 фазилати (тўртинчи мақола)



10:30 / 25.04.2020 2167

9. Рамазон истиффор ойдир. Яъни, бу ойда фаришталар рўздорлар учун Аллоҳдан мағфират талаб қилишади.

Имом Аҳмад ва Байҳақий Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Умматимга Рамазонда беш хислат берилди, улар олдинги бирор умматга берилмаган: рўздор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкдан хушбўйдир; уларга фаришталар мағфират талаб қилишади; Аллоҳ ҳар куни жаннатни беаб, «Солиҳ бандаларим устиларидан меҳнат ва азиятлар улоқтирилиб, сенинг олдингга келишларига оз қолди», дейди; унда бебош шайтонлар кишанланади, натижада улар ундан бошқа пайтларда эришадиган нарсаларига эриша олмай қолишади; охири кечада рўздорлар мағфират қилинади», дедилар».**

10. Рамазон дўзахдан озод бўлиш ойдир. Унинг охириги ўн кунлиги «дўзахдан озод бўлиш» кунлари саналади. Шу билан бирга, Рамазонда ҳар кеча сон-саноқсиз кишилар дўзахдан озод қилинади.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рамазонда ҳар кеча Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинадиганлари бўлади»**, деганлар.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид